**Ушбу сонда:**
2 *Қонунни кимлар бузмоқда?* «МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН...»
3 *Касаба уюшмалари шифо масканларида* «ЧОРТОҚ» ЧОРЛАЙДИ
4 *«Ишонч» танловига* ТОШТЕМИР ПОЛВОН

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 28 май, жума №67 (714)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙ ҚАРОРГОҲИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 май куни Оқсарой қароргоҳида Россия Федерациясининг «Газпром» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Рем Вяхиревни қабул қилди.

Ўзбекистон нефт-газ саноати тараққиёти учун «Газпром» каби ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Учрашувда бундай ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон нефт-газ саноатида фаолият кўрсатувчи корхоналар билан «Газпром» ўртасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси И.Зайнутдинов иштирок этди.

(ЎзА)



Суратда: Қабул пайти. А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**Қозоғистон Бош вазири Нурлан Балгимбаев 27 май куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида меҳмонни ва унга ҳамроҳлик қилувчи делегация аъзоларини мамлакатимиз Бош вазири Ў.Султонов кутиб олди.**

Шу куни Дўрмон қароргоҳида икки мамлакат Бош вазирлари иштирокида ўзаро ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Қозоғистон ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бошланди. Унда мамлакатларимиз ўртасида транспорт коммуникацияси, божхона, савдо-сотиқ, энергетика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказилди. Томонлар ҳукуматлараро комиссиянинг 1998 йил баҳорида бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинган қарорларнинг ижро этилиш жараёнини ҳам кўриб чиқди.

Мажлисда ҳукуматлараро комиссиянинг фаолияти икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани, бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш Ўзбекистон учун ҳам, Қозоғистон учун ҳам фойдали бўлиши таъкидланди.

Анжуман 28 май куни ниҳоясига етади.

(ЎзА)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида

Навоий тумани таркибидаги Кармана шаҳрининг қадимий шуҳратини тиклаш, тарихий обидаларини қайта таъмирлаш имкониятини кенгайтириш, маданий-маиший, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, унинг амалда Навоий шаҳри ҳудуди билан туташиб кетганлигидан келиб чиқиб ҳамда маҳаллий аҳолининг хоҳиш-истагини инобатга олиб:

1. Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини тузиш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Навоий шаҳри ва Навоий тумани чегаралари Кармана шаҳрининг ҳозирги ҳудуди ҳамда Навоий шаҳрининг бир қисми негизида Кармана тумани ташкил этилганлигини ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилади.

3. Навоий шаҳри ва Навоий туманининг чегараларини ўзгартириш, Кармана туманини ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 23-бандига мувофиқ Олий Мажлисга киритилсин.

4. Навоий шаҳрининг Кармана туманини тузиш тадбирига боғлиқ масалалар билан шуғулланувчи Республика комиссияси тузилсин.

5. Республика комиссияси:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда жорий йил охиригача Навоий шаҳри таркибида Қармана тумани ташкил этилганини ҳисобга олган ҳолда Навоий шаҳрини келгусида ривожлантириш бош режасига тузатишлар киритсин;
- Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни билан биргаликда Навоий шаҳрининг сув, электр таъминоти, канализация ҳамда марказлаштирилган иссиқлик таъминоти ягона тармоғини қайта таъмирлаш ва шакллантириш тадбирларини Кармана тумани ташкил этилганини ҳисобга олган ҳолда бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;
- Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда корхоналар ва ташкилотларнинг улушли маблағларини, шунингдек, бюджетдан маблағ билан таъминлаш марказлаштирилган манбаларини жалб этиш асосида Кармана туманини Навоий шаҳрининг марказий қисми билан боғловчи троллейбус йўлининг биринчи навбати қурилишини 2000 йилда тугаллашни таъминласин;
- Навоий вилояти ҳокимлиги, «Ўзавтойўл» Давлат концерни билан биргаликда Кармана туманининг магистрал йўлларини қайта таъмирлаш ва шаҳар ичидаги йўлларини кенгайтириш тадбирларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;
- Навоий вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда ҳомийлар ва бюджет маблағларини жалб этган ҳолда Мирсаид Баҳром мақбараси, Ҳазрат Қосим Шайх мақбараси мажмуи, Шайх Хўжа Хусрав мақбараси, Мирзачорбоғ ёдгорликларини қайта таъмирлаш дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармон юзасидан қарор қабул қилсин.

7. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 27 май

## АЁЛ - ОЛАМ ЧИРОҒИ

*Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Аёллар йилига бағишлаб «Жаннат аёллар оёғи остидадир» деб номланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.*

*Тадбирни республика Маданият ишлари вазири Х.Жўраев очди.*

*Байрамона безатилган дастурхон атрофида меҳмонлар таниқли созанда ва хонандалар, театр артистларининг чиқишларидан баҳраманд бўлдилар. Ўзбекистон халқ шоири А.Ориповнинг аёлларга бағишланган янги шеърлари янгради. Шоиралардан О.Хожиева, Э.Охунова, Т.Содиқова ва бошқалар ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Мунис аёлларимизга халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг совғалари топширилди.*

*Тадбирда Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова қатнашди.*

**О.НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН-ТОЖИКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

Илгари эришилган келишувга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги раҳбарларидан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида бўлди.

Тожикистонлик ҳамкасблар билан учрашув жараёнида кенг кўламдаги икки томонлама муносабатлар муҳокама этилди. Ўзбекистон ва Тожикистон Ташқи ишлар вазирлари террорчилик, диний ва бошқа экстремистик йўналишлар ҳамда наркобизнесга қарши кураш бўйича ҳукуматлараро битимни имзолади. Битим ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иккала мамлакат ҳудудида ҳам мустаҳкам ҳамкорлик қилишини кўзда тутади.

Шуни қайд этиш лозимки, бундай умумий хавфга қарши кураш соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлик 1998 йил 12 октябрда Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси ўртасида имзоланган «Ҳар томонлама ҳамкорлик ҳақида декларация»да ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон делегациясини Хўжандда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қабул қилди. Тожикистон Президенти икки томонлама муносабатларни бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳақида гапириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қўшни Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш борасида олиб бораётган сиёсатга юксак баҳо берди.

ЎзА - «Жаҳон»

## МЕҲР-ШАФҚАТ ФИДОЙИЛАРИ

Фарғонада вилоят ижтимоий таъминот ходимлари ўртасида ёлғиз қариялар, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга намунали беминнат хизмат кўрсатиш мавзуига бағишланган кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунланди. Унда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан саккиз нафар ижтимоий таъминот ходими куч синашди.

Танлов қатнашчилари ўз касбига оид назарий ва амалий билимлари, юрт тарихини қандай билишлари, бадиий ҳаваскорликка қизиқишларини амалда намойиш этдилар. Риштон тумани ижтимоий таъминот бўлими ходими Ҳасанбой Раҳмонов танлов ғолиби бўлди. Эндиликда у республика кўрик-танловида иштирок этади.

## ЙЎЛСОЗЛАРИМИЗ ҚИРҒИЗИСТОНДА

«Буюк ипак йўли»нинг Қамчиқ довонидаги қурилиш ишларида энг юқори кўрсаткичларга эришган ва зиммаларидаги қурилиш ишларини муддатидан илгари уддалаб қўйган «Андижонавтойўл» бирлашмаси жамоаси энди қўшни республика ҳудудида иш олиб бормоқда. Улар меҳнат қилаётган Ўш-Эргашдам йўналиши баланд тоғлардан ўтади.

Йўлсозларимиз тоғ шароитида ишлаш ҳадисини олишгани учун у ёққа техника воситаларини олиб киришган.

Режага биноан андижонликлар шу йилнинг ўзида ана шу оғир ва мураккаб трасса қурилишида бир миллиард 115 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар.

*Спорт*

## ЎЗБЕКИСТОН ПОЛВОНЛАРИ ОЛДИНДА



Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида ўтаётган эркин ва юнон-рум кураши бўйича XIII Осиё чемпионатида ўзбекистонлик полвонлар Руслан Хинчагов, Игорь Купеев, Георгий Кайсинов ва Сослан Фраев мусобақанинг янаги даврасига чиқишди.

- Тошкентда ўтаётган Осиё чемпионатида кучли полвонлар йиғилган, - дейди хитойлик спортчи Хак Тин Хай. - Мен бунга ўзимнинг Сослан Фраев билан беллашувимдагина эмас, бошқа спортчилар ўртасидаги курашни кўриб ҳам амин бўлдим. Мағлубият аламини тортиш оғир бўлса-да, айтишим керакки, Сослан Фраев сингари рақиб билан учрашув менга яхши сабоқ бўлди.

Тошкентга келганимдан хурсандман. Бу ерда Эрон, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Япония ва бошқа мамлакатлар полвонлари ўртасидаги қизиқарли курашни кўришдан ташқари, ажойиб шаҳрингиз билан танишиш, унинг музей ва энг яхши спорт иншоотларини бориб кўриш имкониятига ҳам эга бўлдим.

(ЎзА)

*Демократик ҳуқуқий давлат сари*

## ҚЎМИТА АРАЛАШУВИ БИЛАН

**Ўзбекистон дея аталмиш улкан кема комил ишонч билан жаҳон ҳамжамияти уммонида ўз ўрни ва салоҳиятини топди. Унинг сарҳад билмас кенгликларга чиқиб олишига аминмиз. Бунга асосларимиз бор, энг муҳими, пок туйғуларни дилига жо қилиб олган юртдошларимиз ҳар қачонгига нисбатан яратиш ишқи ила ёниб яшамоқдалар.**

Бухородаги «20-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-КМЖ жамоаси ҳам худди ана шундай туйғу билан иш юритиб келади. Аммо ўтган ойда юз берган воқеалардан 120 нафар бунёдкорни бирлаштирган жамоа оёққа қалқди.

Бу ҳол кўпроқ шахматга хос. Рақибига тўсатдан «зарба» беришни кўзлаган шахматчи йирик бир фигурани қурбон қилиб бўлса-да, аҳволини ўнглаб олишга эришади. 2-КМЖда ҳам трест маъмурияти худди шундай «ўйин» қилмоқчи бўлишди. Яъни, арзимаган важ пеш қилиниб, ташкилотда яхшигина ҳурмат-иззат топган жамоа сардори Миртолиб Маҳмудов асоссиз равишда эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

### БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

2-КМЖ жамоаси «20-трест» тасарруфидаги қаддини тиклаб олган ягона ташкилот саналади. Бунда тиниб-тинчимас сардор М.Маҳмудовнинг хизматлари катта. Бозор талабларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш даражаси, қурилиш сифат ва самарадорлигини тубдан яхшилаш йўлидаги тинимсиз изланишлар зое кетмади. Етакчи мутахассислар, қўли гул усталарнинг фикр-мулоҳазаларидан ўз ўрнида фойдаланилди. Натижада трестда айрим қурувчилар жамоаси йиллар давомида ойлик маошларини ололмай хуноб бўлиб келаётган бир пайтда, мазкур ташкилот ишчи-хизматчиларига оймa-ой маош тўлашга эришилди. Ташкилотда кейинги 2 йилда пудрат ишлари ҳажми 54 фоизга ўсганлиги қайд этилди. Лекин М.Маҳмудовнинг хатти-ҳаракатлари қўллаб-қувватланмади. Аксинча, унинг чўрткесарлиги кимларгадир ёқмай қолди. Ҳаммасидан ҳам ишни бошлашдан олдин 15 фоизли тўлов бўлиши тўғрисидаги қонуний талаб билан чиққанлиги ошиб тушди. Ҳап сеними, дейишди-ю...

Яқинда вилоят тармоқ касаба уюшмаси қўмитасининг вакиллари иштирокида «20-трест»да ўтказилган йиғинда бу масала атрофлича кўриб чиқилди ва жамоа аъзоларининг талабини тўла-тўкис қондириш ҳақидаги адолатли тўхтамга келинди.

Шундай қилиб «20-трест» ҳиссадорлик жамиятининг шу йил 31 мартдаги кенгаш баёни 4-банди қарори ва 2 апрелдаги 21-К сонли буйруғи асоссиз деб топилди. Чунки у Меҳнат Кодексининг 182-моддаси талабларига асло тўғри келмас эди.

### КЎПНИНГ КУЧИ

Қоракўл туманидаги пахта тозалаш заводи маъмуриятининг шу корхонада меҳнат қилиб келган оддий ишчи Мукаррам Сувоновага нисбатан тутган йўлини ҳам оқлаб бўлмайди. Узоқ йиллар шу масканда ишлаб келган М.Сувонова «Штат қисқарди», баҳонаси билан мажбуран бошқа ишга ўтказилди. Бунда ходимнинг хоҳиш-истаги, розилиги инобатга олинмади. Ҳатто, маъмурият дастлаб М.Сувоновага «биз нимани истасак, умумжамоа тақдирини кўзлаб амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Шу боисдан ҳам Сиз кўрсатилган тартибда ишни давом эттиришга бурчлисиз» деб дағдаға ҳам қилди.

Бу адолатсизлик жабрланувчини қўлига қалам-қоғоз олишга мажбур этди. У турли идораларга, жумладан, вилоят касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилди. Тез орада масалага ойдинлик киритилди. М.Сувонова қўмита аралашуви билан яна ўз ишига тикланди.

***

Фуқаро М.Тешаева Бухоро туманидаги «Чорбакр» жамоа хўжалигида нафақа ҳисобчиси бўлиб ишларди. Нима бўлдию, сира кутилмаганда бошқарув раисининг кўрсатмасига мувофиқ у эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди. Ўзига нисбатан қилинган ҳақсизликка чидай олмаган аёл дастлаб атрофдагилардан нажот излади. Лекин хўжалик касаба уюшмасининг ҳаракатлари самарасиз кетди. Шундан сўнг М.Тешаева ўз тақдирига рўшнолик киритилишини истаб юқори ташкилотларга арз қила бошлади. Ниҳоят, бу собитқадамлик тақдирланди. Опа вилоят касаба уюшма қўмитасининг тавсиясига биноан қайта ўз вазифасига тикланди.

***

Энди мақоламизнинг «Буйруқ бекор қилинди» қисмида баён этилган ҳолатга қайтайлик. Бошлиқ вазифасидан четлаштирилди. Аммо масаланинг ана шу тарзда талқин этилиши жамоа аъзолари, биринчи навбатда касаба уюшма фаолларини бефарқ қолдирмади. Улар ўз бошлиқларининг шаъни, қадр-қиммати асоссиз ерга урилганлиги қаршисида томошабин бўлиб тура олмадилар. Юқори ташкилотларга 62 нафар аъзо имзоси билан хат йўлланди. Охир-оқибат адолат қарор топди.

Юртбошимиз Ислом Каримов Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида **«Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти бўлади»**,-деб бежиз таъкидлаб ўтганлари йўқ.

Юқорида тилга олинган воқеа-ҳодисалар ўтиш даврида бу борада анчагина нуқсон ва хатоликларга йўл қўйиб келинаётганлигини кўрсатмоқда.

Хулоса шуки, бугун жамиятда ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, керак бўлганда ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини тап тортмай ҳимоя қила олишнинг уддасидан чиқиши лозим. Шунда у ёки бу тарзда юз бериши мумкин бўлган қонунбузарликларнинг олди олинади.

**Холиқ БАҚОЕВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят қўмитаси раисининг ўринбосари.**

*Во ажаб!*

## ЖАЗОНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Айб иш қилиб қўйган боғча боласини бурчакка турғазиб қўйишганини кўп эшитганмиз. Идора раҳбари гуноҳкор хизматчисини хайфсан ёки ишдан бўшатиш билан сийлашини ҳам биламиз. Лекин бир ташкилот олдида иккинчи жамоа бурчли бўлсаю, уни бажармаса, қандай жазолаш мумкин?

«Ўзбекистон почтаси» «Пахтакор» туман бўлими бошлиғи Роза Афанасьева ва катта сараловчиси Наталья Холмуродова жазолашнинг янги усулини кашф этишди. Улар ўз ташкилотларидан қарздорлиги учун туман деҳқон бозори жамоаси обуна бўлган газеталарни етказиб беришни тўхтатди.

26 май куни саралаш хонасида бозор аҳлига тегишли «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Ишонч» каби 9 номдаги газетанинг 28 апрелдан бери тахланиб ётганини ва Р.Афанасьева бозорчиларнинг қарздорлигини шундай жазолаётганини эшитиб, ёқамизни ушладик. Жазолашнинг бу янги усулига патент бериладими, йўқми, билмадигу, лекин кашфиётчилар ўзбошимчаликлари учун жазоланишларига ишончимиз комил.

**Келди ДЎСТ.**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

**Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшма корхоналар фаолияти жонланиб кетди. Шулардан бири Қаршидаги «Каштекс» ҳиссадорлик жамиятидир. 1996 йилнинг декабрида иш бошлаган мазкур корхона йилига 25 минг тонна пахта толасидан маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Шуниси қувончлики Италия, Швеция ва Туркия дастгоҳлари ўрнатилган корхонада хом ашё тайёр маҳсулотга айлантирилади. Бунинг учун бу ерда кенг имкониятлар мавжуд.**

# ҚЎШМА КОРХОНА АЁЛЛАРИ

Корхонада айни пайтда 900 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Ишчиларнинг 600 нафарга яқинини хотин-қизлар ташкил қилиб, уларга шарт-шароитлар кўнгилдагидек ташкил этилган. Шунинг учун ҳам бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, сифати яхшиланмоқда. Хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотлар бугун нафақат республикамизга, балки хорижий давлатларга ҳам жўнатилмоқда.

Корхона касаба уюшма қўмитаси билан маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасида аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилган. Кенг ва ёруғ хоналарда ўрнатилган тикув, тўқув ва йигирув машиналарини чуқур билим ва малакага эга бўлган ёшлар бошқармоқда. Ишлаб чиқаришда соғлом иш шароитлари яратилганлиги, техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинаётганлиги натижасида ишчилар ўртасида касб касаллигига чалиниш ёки бошқа кўнгилсиз воқеаларнинг келиб чиқишига барҳам берилаяпти. Жамоа шартномасига кўра, асосий эътибор меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган.

Яқин кунларда ишчилар саломатлигини янада тиклаш учун шифобахш ичимликлар тайёрлайдиган фитобар ишга туширилади.

Агар ишчилар саломатлиги учун бирор хавф сезилса, шу ернинг ўзидаги кундузги даволаш бўлимига ётқизилиб, тиббий муолажалар ўтказилади. Ошхонада тайёрланаётган мазали таомлардан истеъмол қилиб, қувват олган ишчилар яна қадрдон иш жойларини эгаллайдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳар бир цехдаги мўътадил иқлим ва саранжом-саришталикни кўриб дилингиз яйрайди. Ҳамроҳимиз касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг бош техник назоратчиси Ражаб Кенжаев билан мазкур корхонада бўлиб, ишчиларга яратилган шароитлар, қулайликларнинг гувоҳи бўлдик. 1999 йил Президентимиз томонидан Аёллар йили деб эълон қилинганлиги ҳам корхона хотин-қизларига бўлган эътиборни янада кучайтириш имкониятларини очиб берди

Ип-йигирув цехида 120 минг тонна тола қайта ишланиб, 920 тоннаси калаваланади. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам ортмоқда. Йил бошидан бугунгача 100 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга жўнатилди.

Корхонада маънавият соҳасига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. «Маънавият ва маърифат» хонасида турли матбуот нашрлари, адабиётлар мавжуд. Шу «Маънавият ва маърифат» маркази орқали ишчилар ислоҳотлар, юз бераётган ўзгаришларни билиб оладилар. Маъмурият билан марказ ўртасидаги узвий боғлиқлик муаммоларни бартараф этиш учун хизмат қилади. Илмий ва амалий анжуманлар, учрашувлар ўтказиб турилади.

Корхонада ўз меҳнати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётганлар ҳақида гап кетгудек бўлса Ҳуррият Сирожева, Дилшода Ҳайдарова, Санобар Эргашева, Наргиза Бозорова, Дилдора Шаропова, Нилуфар Одиловалар номини ҳурмат билан тилга олишади. Иш уч сменада ташкил этилган. Корхона меҳнатчи аёллари мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун ҳар иш соатидан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришмоқдалар.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Касаба уюшма қўмитаси фаолияти хусусида умумий тушунчалар*

# 117 САВОЛГА ЖАВОБ

**56. Пленум нима?**

Вилоят, туман шаҳар касаба уюшма қўмиталари таркиби билан ўтказиладиган йиғилиш.

**57. Раёсат нима?**

Вилоят, туман, шаҳар касаба уюшма қўмиталари ишини олиб борувчи ваколатли сайланма орган.

**58. Раёсат йиғилишларини ўтказиш муддати қандай?**

Йиллик иш режаси асосида ҳар чоракда камида бир марта ўтказилиши керак. Зарурият туғилган барча ҳолларда ҳам ўтказиш мумкин.

**59. Касаба уюшма картаси деганда нимани тушунамиз?**

Касаба уюшма ташкилотларининг қайси тармоққа (соҳага) мансублигини белгиловчи ҳужжатни.

**60. Касаба уюшмалари органлари юридик шахсми?**

Бирлашма, корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжаликлари касаба уюшма қўмиталари, туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмаси қўмиталари, касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан белгиланган муҳр, намуна муҳри, банк ҳисоб рақамларига эгадирлар.

**61. Касаба уюшмаларининг таркибий тузилиши қандай?**

Тубандагича:

| | |
|---|---|
| Марказий қўмита | **Тафтиш комиссияси** |
| Вилоят касаба уюшма қўмиталари | **уларнинг тафтиш комиссиялари** |
| Туман, шаҳар касаба уюшма қўмиталари | **уларнинг тафтиш комиссиялари** |
| Бошланғич касаба уюшма қўмиталари | **уларнинг тафтиш комиссиялари** |
| Цех уюшма қўмиталари | |
| Касаба уюшма гуруҳлари | |

**62: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳузуридаги санаторий-курортлар бошқармаси орқали қайси санаторий-профилакторийларга йўлланма олиш мумкин?**

**Тошкент шаҳрида:**

Кўп тармоқли «ТУРОН» санаториясига (қон, томир, юрак, асаб, гинекологик касалликлари).

«ЧИНОБОД» санаториясига (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва гинекологик касалликлари).

Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА:**

«БОТАНИКА» санаториясига (овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб касалликлари).

Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«БЎСТОН» кўп тармоқли санаториясига (қон, томир, юрак, асаб ва урологик касалликлари) .

Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«8 МАРТ» санаториясига (гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлик билан оғриган эр-хотин даволанади).

«ОҚТОШ» санаториясига (нафас органларининг туберкулёзга алоқадор бўлмаган касалликлари).

«СЎҚОҚ» оилавий пансионатига.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА:**

Кўп тармоқли «МАРҲАМАТ» санаториясига (қон, томир, юрак, асаб ва сурункали тери кассалликлари)

**БУХОРО ШАҲРИДА:**

«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» санаториясига (буйрак касалликлари) ёз фаслида (асаб, овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат органлари).

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА:**

«ЗОМИН» санаториясига (нафас органлари, асаб системаси касалликлари).

Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА:**

Кўп тармоқли «ЧОРТОҚ» санаториясига ( таян-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системаси, тери ва гинекологик касалликлари).

Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«КОСОНСОЙ» санаториясига (суяк-мушак, асаб, қон-томир ва юрак касалликлари)

Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

Кўп тармоқли «НИҲОЛ» санаториясига (овқат ҳазм қилиш органлари, суяк-мушак, асаб системаси, буйрак касалликлари).

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА:**

АБУ АЛИ ИБН СИНО номли санаториясига (таянч-ҳаракат органлари, қон-томир, юрак ва асаб системаси касалликлари).

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА:**

Кўп тармоқли «ЧИМЁН» санаториясига (қон-томир, юрак, таян-ҳаракат органлари, асаб системаси, гинекологик ва урологик касалликлари).

Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

# МИТТИ ТРАКТОРЛАР

Кейинги пайтда Давлат ҳиссадорлик жамияти Тошкент трактор заводида олиб борилаётган изланишлар яхши натижа бермоқда. Бу ерда асосан, ТТЗ - 100.К.10, ТТЗ - 100.К.11 каби тракторлар йиғилади. Яқинда заводда қайтадан таъмирланиб жиҳозланган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ва кичик серияли тракторларни йиғувчи 31-цех ташкил этилди.

Ҳозирги кунда шу цехда ойига 50 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу цех тракторнинг орқа ва олди кўприклари, кичик серияли 30 от кучига эга халқ хўжалиги учун зарур бўлган «ТТЗ-30», «Фарҳод» каби митти тракторлар ишлаб чиқарилаяпти. Шунингдек, бу тракторларга кўпгина мосламалар ўрнатилган бўлиб, юк юклаш ва тушириш мосламаси, бульдозер, насос, тозалагичлар ўрнатилган таркторлар қурилиш ва коммунал хўжаликлари учун мослаштирилгандир. Деҳқон-фермер хўжаликлари учун эса бу митти тракторларга плуг, барана, ер ҳайдаш, чопиш ва текислаш ускуналарини ўрнатиш мумкин. Май ойида мана шундай митти тракторлардан 28 тасини йиғиш режалаштирилмоқда. Июн ойида ҳам шунча митти тракторларни йиғиш кўзда тутиган.



**Суратда: йиғувчилар Тоҳир Иноғомов ва Аҳмаджон Саидаҳмедов.**

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Қонунни кимлар бузмоқда?*

**Ислоҳотлар даври ҳуқуқий соҳада ҳам туб ўзгаришлар ясади. Қонун устуворлиги, унинг ҳамма учун баб-баробарлиги ҳақида мамлакатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаётганлари бежиз эмас. Лекин афсуски, таниш-билишчиликка, бирёқламаликка йўл қўйиб, адолатсизликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлаётган баъзи қонун ҳимоячилари ҳам йўқ эмас. Фикримизни далиллаш учун бир йилдан бери адолатли ечимини тополмаётган бир уй-жой можаросини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.**

# «МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН...»

## ЯХШИЛИККА ЁМОНЛИК

Аъзамжон Машрапов аризасидан: Отамиз Ҳасанов Машраббой, онамиз - Мастура, буларнинг турмушларидан биз беш нафар фарзанд дунёга келдик. Ҳаммамиз Бағдод шаҳарчаси Охунбобоев кўчасининг 42-уйида яшаб, вояга етдик. Опа-сингилларим турмушга чиққач, мен акам Ҳакимжон билан шу ерда уйланиб, палак ёздик. 1960 йилда акам мен қуриб битказган ҳовли-жойга кўчиб ўтди. У бу ерда уч йил яшагач, уйни сотиб, оиласи билан Риштонга кетди. Кўп вақт ўтмай, улар ажрашишгач акам, қаёққадир ғойиб бўлди. Ота-онамизнинг дафн маросимларида ҳам у қатнашмади. Маъракаларидан сўнг келиб икки-уч кун турди-да, яна изини яширди. Гапнинг очиғи, у ичкиликка берилиб, ўз нафсидан бошқани ўйламаётган эди. Отамиз вафотидан икки йил кейин таъна-дашномга қолмайин деб, дарбадар юрган акамни топдириб келиб, ота-онамнинг уйидан жой бердим. Уйлантириб ҳам қўйдим. Бу ҳовли кичиклиги (3,09 сотих) сабабли мен бошқа уй-жой қилишга мажбур бўлдим. Акам хотини билан бирга ўн беш йил яшади. Хотини вафот этгач, акамнинг соғлиги ёмонлашди, бундан хабар топган унинг ўғли Авазхон ўсал ётган отани «ўзим қарайман» деб, қўярда-қўймай олиб кетди. Бир ҳафта ичида унинг вафоти ҳақида хабар беришди. Марҳумни у аввал яшаган хонадондан чиқардик. Маърака кунлари жиянимнинг тоғаси: «Шу ҳовлида акангиз яшаб келди, энди унинг ўғли яшаса нима дейсиз» деб қолди. Мен:

- Агар Авазхон бу ерда доимий яшаса, биз розимиз, чунки ота-онамиз яшган жой обод бўлса, ўтганларнинг руҳи шод бўлади, деб унинг фикрини маъқулладим. Шундан кейин Авазхон кўчиб келди. Лекин кейинчалик унинг уй-жойни сотиш ниятида эканлиги маълум бўлиб қолди. Дастлаб у уйни яширинча Муҳаммадали, сўнгра Мўминжон исмли шахсларга сотмоқчи бўлди. Харидорларни бу уй низоли эканлиги ҳақида огоҳлантирдик. Улар пулларини қайтариб олдилар. Биз жиянимизни ўртага олиб: агар сенга пул керак бўлса, биз берамиз, лекин ҳовлини сотишга йўл қўймаймиз, деб айтдик. У биздан кечирим сўради. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у яна «иш» кўрсатди. Ҳовли четидаги новвойхонани қўшнига пуллаб юборди. 1997 йилнинг 14 октябрь куни ушбу ҳовли-жой дастлабки харидор М.Юнусалиевга сотилганлиги ҳақида нотариус томонидан ҳужжат расмийлаштирилганлигини эшитиб таажжубландик. Наҳотки биринчи ворислар ҳаётлигида уларнинг розилигисиз уй-жой савдоси амалга ошса. Энг асосийси, бу ҳовли менинг номимда эди-ку. Шундай қилиб биз янги «уй эгасини» уйга киритмадик. У бизни судга берди.

## ДАЪВОГАР ҲАҚМИ ЁКИ ЖАВОБГАР?

1997 йил 20 ноябрь куни Бағдод туман суди раиси И.Муҳамедова раислигида даъвогар М.Юнусалиевнинг жавобгарлари Раҳима Маматова, Донохон Қодирова, Аъзамжон Машраповларга нисбатан «Уйдан кўчириш ҳақида»ги даъвоси бўйича фуқаролик иши кўрилди. Судда даъвогар уйни қонуний сотиб олганлигини, жавобгарлар эса бу иш сохта ҳужжатлар асосида амалга оширилганлигини баён қилдилар. Суд ҳеч иккиланмай даъвогарнинг аризасини қаноатлантириб, «бегона шахслар»ни уйдан кўчириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди. Қарорда «... агарда фуқаро Аваз Машрапов ноқонуний йўллар билан низоли уйни ўз номига расмийлаштириб олган, деган шубҳага келинса унда судга Машраповга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи борлигини тушунтириб қўйишни лозим топади...» жумласи ўрин олган.

Хўш, суд шубҳаларга ўз вақтида аниқлик киритиши шарт эмасмиди? Низоли масала ечимини топиб, шу ернинг ўзида унга нуқта қўйиш мумкин эди-ку?! Аслида қарор юзасидан норозилик билдирилиб, кассацион шикоят ёзилди. Ўтган йилнинг 8 январида вилоят суди ҳайъатида вилоят суди раиси ўринбосари Р.Абидова раислигида суднинг қарори ўз кучида қолдирилди. Ажабланарли томони шундаки, суд ҳайъати шикоятчиларнинг арзини тинглашни ҳам лозим кўрмади. Адвокат И.Маъруповнинг асосли важларига эса ҳеч ким эътибор бермади. Шундан сўнг шикоятчилар туман прокурори ва судига ариза беришди. Прокуратура аризани судга чиқарди. Ўз навбатида Бағдод туман суди жавобгарлар орасида суд котибаси борлиги сабабли ишни қўшни туман судига юборди. Амалдаги йилнинг 10 мартида Риштон туман судининг очиқ мажлисида даъвогарлар Аъзамжон Машрапов, Д.Қодирова, Р.Маматова, М.Йигиталиеваларнинг жавобгарлари Аваз Машрапов, М.Юнусалиев, Р.Маматова ва Бағдод туман нотариал идорасига нисбатан «Васиятномани бекор қилиш, ворис деб топиш ва мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш» тўғрисидаги фуқаролик иши кўрилди. Суд жараёнида уй-жой олди-соттиси ҳужжатларида сохталиклар мавжуд эканлиги аниқланди. Лекин бу ишга кимлар қўл урганлиги «сир» бўлиб қолди. Нима учундир уйни сотган Аваз Машраповнинг суд жараёнидаги иштироки таъминланмади. «Тегишли идора» билан маслаҳатлашиб иш кўрган суд раиси С.Исмоилов ишни тўхтатиш ҳақида мантиқсиз ажрим чиқариш билан кифояланди, холос. Бу адолатсизликдан ранжиган шикоятчилар туман прокурорига қайта ариза бериб, туман суди ажрими устидан вилоят судига шикоят йўлладилар. Шунингдек, улар вилоят адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси ва матбуот органларига мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Ана шулардан кейингина Риштон туман суди хат ажрими бекор қилиниб, иш Учкўприк туманига юборилди. Аммо вилоят суди эгаларига бирон-бир жавоб қайтаришни ўзига эп кўрмади. Туман прокуратураси (собиқ прокурор Х.Баннонов, ёрдамчиси А.Ғаффоров) эса ҳужжатлардаги қалбакиликни «сезмай», жиноий иш қўзғатишни рад этди.

## «УСТАМОНЛАР»

Рўзихон Маматова Бағдод туман судида котиба бўлиб ишлайди. Укаси Муҳаммадалининг уйли-жойли бўлишида нафи тегишини жуда истарди. У укасининг Охунбобоев кўчасидаги 42-уйга харидор бўлиб, сотувчи билан келишиб қўйганлигидан ҳам воқиф эди. Лекин улар ишни силлиққина битиришда бир тўсиққа дуч келишмоқда. Наҳотки суд котибаси бу тўсиқни олиб ташлашга қурби етмаса. Рўзихон ана шу ўй-хаёллар билан юрган кезлари ўша пайтда адвокат бўлиб ишлаётган Зуҳрахон Азизова унинг жонига оро киради. У Рўзихонни туман нотариал идораси бошлиғи Х.Қорабоев билан таништириб қўяди. Анча тажрибали прокурор, ҳоким ўринбосари лавозимларида ишлаган Х.Қорабоевга Рўзихоннинг муаммоси хамирдан қил суғургандек гап эди. Шундай қилиб устомонларнинг «Ҳужжат» операцияси бошланади. «Ёлланган сеҳргар» Бағдод БТИ сига кириб, Охунбобоев кўчаси, 42-уйнинг ҳужжатлари орасидан Бағдод шаҳарча кенгашининг 1990 йил 25 май 19/5 рақамли Аъзамжон Машраповга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи қарор нусхасини оладида, уни марҳум Ҳакимжон номига янгилаб, шаҳарча фуқаролар йиғинининг янги муҳрини бостириб, ўз жойига солиб қўяди. Ундан қарор кўчирмасини олган Аваз Машрапов отаси берган васиятнома билан нотариуснинг олдига югуради. Харидорлар ҳам ҳозиру нозир бўладилар. Нотариус Х.Қорабоев имзо билан тасдиқланмаган, сохта қарор кўчирмаси ва БТИ томонидан 1997 йил 4 март куни берилган (аслида «операция» кунлари ёзилган) маълумотномага асосан Аваз Машраповга «1993 йил 29 апрелдаги васиятнома бўйича ворислик гувоҳномаси берилган» деб «темир китоб»га қайд этади. Ишнинг бу томони «беш» бўлгач, 1997 йил 14 октябрда уй-жой олди-сотдиси шартномаси расмийлаштирилади. Қизиғи шундаки, «операция»га мувофиқ энди уйни харидорга «эгаси» Аваз сотмай, балки учинчи шахс, яъни суд котибаси бу ишни бажаришга ваколат олади. Қисқаси, опа-ука ўзаро савдолашадилар.

Даъвогар Раҳима Маматованинг ўғли Ғуломжоннинг тушунтириш хатидан:

- Бағдод туман судининг «Уйга киритиш ҳақида»ги қароридан норози бўлиб юрган вақтимизда нотариал идора бошлиғи Х.Қорабоев мени чақириб:

- Ака, юқорига ёзманглар, бир-иккита одам қамалиб кетиши мумкин, ахир бола-чақамиз бор, албатта сизларга ёрдам қиламан, - деди.

Мен рози бўлдим. Орадан бироз вақт ўтгач, вилоят суди қарорни тасдиқлаганини эшитдик. Буёғи қандай бўлди, деб Х.Қорабоевга учрашсам, у:

- Энди иш битди, қўлингиздан келганини қилинг, - деди.

- Энди ёзар эканмиз-да, - десам:

- Юқоридан қайси аҳмоқ келиб бу қоғозларни титкилаб ўрганади, - деган жавобни қилди.

## САРОБГА АЙЛАНГАН УМИД

1998 йилнинг 31 июл куни мазкур фуқаролик иши Учкўприк туман суди томонидан қайтадан кўрила бошлади. Суднинг масалага жиддий эътибор билан қараётганлиги даъвогарларда адолат қарор топишига умид уйғотди. Суд давомида шубҳалар асосли эканлиги ўз исботини топди. Қалбаки ишлар равшанлашди. Техпаспортдаги Аъзамжон исмини «кимдир» лезвада ўчириб шу жойга БТИнинг янги муҳрини суваштириб босганлиги ҳам аниқланди. Лекин масалани қонун доирасида кўришни ўзига шиор деб билган судья Б.Раҳмонов негадир ғалвирни сувдан кўтариш палласи етганда бир ҳафта танаффус эълон қилиб, кимнингдир ҳузурига маслаҳатга жўнайди. Танаффусдан сўнг «пластинканинг орқасидаги қўшиқ» баландроқ эшитила бошлади. Жавобгар Аваз Машрапов даъвогарларга нисбатан қарши даъво аризасини берди. Ушбу аризани қандай бўлмасин қаноатлантиришнинг барча йўллари ўйлаб топилди.

Суд 1990 йилда Аъзамжон акага бир йўла 2 та уй-жой учун қарор чиққанлиги, бу ўша даврда мумкин эмаслиги, акаси ота-онаси уйида яшаб келганлиги каби важларни асос қилиб шаҳарча кенгашининг 1990 йил 25 май 19/5 қарорини бекор қилади. Марҳум Ҳакимжон Машрапов мазкур ҳовли-жойга эгалигини тиклаб, ўғли Авазхонни ҳақиқий ворис деб топади. Ишнинг бу тарзда якунланганлиги даъвогарларни яна шикоят ёзишга мажбур этади.

Ҳа, котибани суд паноҳига олса, туман судини вилоят суди ҳимоя қилса, жойларга юборилган иш коптокдек сакраб юраверса, адолат қачон ўз жойида қарор топиши мумкин?

Сарсон бўлган даъвогарлар 1998 йил 3 сентябр куни Учкўприк туман суди қарори юзасидан вилоят судига шикоят йўлладилар. Афсуски, почта орқали юборилган бу шикоят хат «вилоят судига келиб тўшмади» деган баҳона билан у изсиз йўқолди. Охир-оқибатда Учкўприк туман суди қарори асосида Бағдод туман суди қулф осилган дарвозанинг зулфини суғуртириб, «уй эгаси»ни жойлаб қўяди. Ҳозир низоли уйда янги соҳиблар истиқомат қилишаяпти. Шикоятчилар эса Республиканинг энг юқори идораларига хат йўллашди...

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Мавжуд ҳужжатлар ва ишончли гувоҳларнинг кўрсатмалари шуни тасдиқлайдики, Аъзамжон ака ота-онаси ҳаётлигидаёқ меросни бошқаришга киришган. У хўжалик бошлиғи сифатида оиласи, ота-онаси тўғрисида доимо ғамхўрлик қилган. Мазкур ҳовли-жойга Аъзамжон аканинг эгалик қилиш ҳуқуқи ҳақидаги БТИнинг инвентаризация маълумотномасига асосан чиқарилган шаҳарча кенгашининг қарори фикримизни асослайди. Ака-ука ўртасидаги меъросга даъвогарлик масаласи эса аллақачон ҳал бўлган, чунки ука акага ўз ҳовли-жойини берган. Аъзамжон ака кенжа ўғил. Гарчи бошқа уй-жой қилган бўлса-да, у ота-онасидан доимо бохабар бўлди, моддий таъминлади, касаллик, кексалик пайтларида парваришлаб, вафот этганларида барча маъракаларини ўтказди. Хуллас, фарзандлик бурчини тўла ўташга ҳаракат қилди. Унинг «айби» дарбадар акага раҳм қилиб, ноқобил жиянга мурувват кўрсатгани бўлди, холос. Лекин у меросдан воз кечиш ҳақида тилхат бермаган.

Маълумки, мустақил давлатимиз хусусий мулкчилик сиёсатини амалга оширмоқда. Инсон эрк-ҳуқуқини камситувчи қонунлар аллақачон бекор қилинган бўлса-да, аммо айрим судлар томонидан эски таҳрирдаги қонунга амал қилиниши кишини таажжубга солади. Масаланинг маънавий томонига эътибор берадиган бўлсак, Аъзамжон ака ва унинг опа-сингиллари мол-мулк, бойлик илинжида эмаслар, балки асосий мақсадлари ота-оналари ўтган табаррук замин - муқаддас остонанинг дахлсизлигини ҳимоя қилишдан иборатдир. Миллий қадриятларимиз шаклланиб, ўзлигимизни англаётган бир пайтда кимларнингдир манфаати учун умрини ўтаб бўлган қонунларни дастак қилиб, оқни қора дейиш инсофданми?...

**Раҳимжон ҲОМИДОВ,**
**Абдунаби МАННОПОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

